2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 92 (881), 2023 йил 12 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 май куни ҳудудларда энергия таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда энергия манбаларини кўпайтириш ва улардан тежаб фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Охирги олти йилда 5 минг мегаваттдан зиёд янги электр қувватлари яратилган. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида қўшимча 726 миллион киловатт соат электр ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, бу йил 3 миллиард 400 миллион киловатт соат электр танқис бўлиши, ёзнинг иссиқ кунларида унга кунлик талаб ҳозирги 195 миллион киловатт соатдан 255 миллион киловатт соатга етиши мумкин.

Йиғилишда ушбу талабни қоплаш, электр тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш чоралари муҳокама қилинди.

Мутасаддилар жорий йилда 2 минг мегаватт қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини ишга туширишга, корхона, хонадон ва ижтимоий объектларда 1 минг 200 мегаваттли қуёш панеллари ўрнатиш юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу ишлардаги қолоқликларни таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтди. Масаланинг ичига кирмаган, сусткашликка йўл қўйган айрим туман ва шаҳар ҳокимларига ҳайфсан берилди.

Бу соҳага рағбат бериш мақсадида Президентнинг “Яшил энергия” сертификатлари тизимини жорий этишга оид қарори имзоланган эълон қилинди. Бунда 1 июлдан гидроэлектрстанцияларида ишлаб чиқарилган электр энергияси учун “яшил” сертификат берилади. Ушбу тизим 1 октябрдан бошлаб, барча қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинган электр учун жорий қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан барча савдо ва сервис корхоналарига қуёш панеллари учун кредит тўловларининг 4 фоизи қоплаб берилади. Халқаро молия ташкилотларидан 100 миллион доллар жалб қилиниб, аҳоли ва тадбиркорларга мақбул шартларда ажратилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий қилиб, аҳоли ва тадбиркорларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳа ва давлат идораларида кичик қуёш панеллари ўрнатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр тармоқларини таъмирлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Тошкент шаҳрида дастур қабул қилиниб, ишлар бошланган. Ҳозирга қадар 667 километр электр тармоғи ва 175 та трансформатор янгиланган.

Вилоят ҳокимларига электр ускуналари ва материаллар захирасини яратиш, бу йилга режалаштирилган таъмирлаш ишларини 1 августгача якунлаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қўшимча бригадалар ташкил этилиб, малакали мутахассислар жалб қилинади.

Электр таъминотида узилишларнинг олдини олиш учун 1 июндан бошлаб, иссиқлик электр станцияларига бугунги кунга нисбатан 6 миллион куб метр кўп газ етказиб берилиши белгиланди. Сирдарё вилоятида “ACWA Power” компанияси томонидан қурилаётган электр станциясининг биринчи 500 мегаватти ҳам ёзда ишга туширилади.

Шу йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Бу борада қонунчиликка риоя этилишига масъул Бош прокурор ўринбосари лавозими жорий қилиниб, яхлит назорат тизими яратилди. Бугунги кунга қадар 250 миллиард сўмлик энергия ресурслар ноқонуний ишлатилгани аниқланиб, зарар ундирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни давом эттириб, ноқонуний истеъмолга барҳам бериш шартлигини таъкидлади.

Энергияни тежаш, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Соҳадаги яна бир муҳим масала — бензин ва дизель ёқилғиси таъминоти. Юртимизга бу маҳсулотларни олиб келишга чекловлар олиб ташланган. Жойларда 1 миллион тонна ёқилғини сақлаш сиғимлари мавжуд. Бундан фойдаланиб, ҳар бир ҳудуд бензин ва дизель захирасини шакллантириши кераклиги қайд этилди.

Сўнгги пайтларда электромобиллар оммалашмоқда. Мамлакатимизга шу йилнинг ўзида 5 мингга яқин транспорт олиб келинди. Бунга шароит яратиш учун берилган имтиёзларни қўллаб, жойларда қувватлаш қурилмаларини кўпайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, умумий овқатланиш ва товарларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан, иш ҳажми 50 см^3 дан ошмайдиган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловаттдан ортиқ ва 4 киловаттдан кам бўлган электр двигателли икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситалари, шу жумладан, худди шундай тавсифларга эга бўлган мопед, квадрицикл (квадроцикл), трицикл, скутер ҳамда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишга мослаштирилган бошқа механик мосламаларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши **шартлиги тўғрисидаги талаб 2024 йил 1 январга қадар тўхтатиб турилсин.**

Бунда, мазкур бандда кўрсатилган транспорт воситаларида ҳаракатланаётган шахслар **мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги белгилаб қўйилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4742-сон қарорига иловaнинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Буюртма асосида товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)”.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 май

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ

фаровон ҳаёт барпо этиш — пировард мақсадимиз

Жорий йилда халқимизнинг эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, буюк ва қудратли давлат барпо этишдек эзгу орзуниятлари рўёбига хизмат қиладиган қатор муҳим сиёсий-ижтимоий янгиланишлар рўй бермоқда.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ИНДИКАТОРЛАРИ

Тадбиркорлик бозор муносабатлари, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши драйвери ҳисобланади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйиш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилади, бу ўз навбатида, тараққиётни жадаллаштиради.

Давоми 4-бетда

ТУРИЗМ ВА ТАЪЛИМ

Фойдаланилмаган сайёҳлик салоҳияти

Бир оз эътибор ва саъй-ҳаракат минглаб туристларни чақиради

Шу йил 29 март куни давлатимиз раҳбари раислигида мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сайёҳларни юртимизда кўпроқ вақт олиб қолиш учун қизиқарли дастурлар ва тарғибот етишмаётгани танқидий таҳлил қилинди. Бу борада кўмаклашиш учун 11 та олий таълим муассасасига 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласи тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратиш вазифаси берилди.

Давоми 5-бетда

ШУКУҲ

Самарқандга борсам ҳар сафар...

1

Самарқандга борсам ҳар сафар,
Кутиб олар қутлуғ зафарлар.
Кутиб олар кўркам, музаффар,
Яшнаётган қишлоқ, шаҳарлар.

Эл шоири Муҳаммад Юсуф сафимизда бўлганида, ифтихорга тўлиб, ҳеч шубҳасиз, бундан-да эҳтиросли ташбеҳларда ифодалаган бўлар эди ҳаяжонли таассуротларини.

Ҳар сафар Самарқанд заминига қадам қўйганида бир эмас, ўн эмас, юзлаб бир-биридан муҳташам гўзалликларнинг гувоҳи бўлган: кўчалар, уйлар, корхоналар, боғлар, хиёбонлар... ва... ҳаммасидан қувончлиси, одамларнинг юз-кўзларидаги маҳваш севинч, шижоат, ўзига, эртасига бўлган қатъий ишонч, яшаш иштиёқи, ҳаётга муҳаббат шуълаларига гувоҳ бўлаётган шоир бошқача ёзмасди, ёзолмасди ҳам. Ич-ичидан қайнаб-тошиб келаётган ғурурдан Зарафшондай жўшиб-ҳайқириб шеърлар айтганда минглаб шодумон овозларга кўмилиб кетарди шоирнинг моҳитоб ҳайратлари. Зотан, сўнгги йилларда Самарқанд заминидаги шоҳона юксалишларни кўрганда, кўксинг Ургут тоғлари қадар юксалмаслиги мумкинми, ахир!

Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бор. Ҳар тойча ўзи сув ичган булоғини мақтайди. Лекин мен самарқандлик бўлганим учунгина ардоқли қўрғонимга зиёда таъриф бераётганим йўқ. Зеро, Самарқанд ортиқча мақтовларга муҳтож ҳам эмас. Мен, эси кирганидан буён, содир бўлаётган янгиликларни баҳоли қудрат кузатиб келаётганлардан бири сифатида дилдагиларни тилга оляпман, холос. “Той-той” бўлиб, эсни таний бошлаганимга эса, мана, Худойимга шукрлар бўлсин, етмиш йилдан ошди. Шўро замони, мустақиллик, ундан кейинги йиллар — ҳаммаси каттакон бир китоб каби турибди кўз олдимда. Бу китобни варақлагудай бўлсам, бирда этим увишади, бирда мунаввар қувончларга, муаттар ўйларга чўмаман. Эслаганда, эт увишадиган болалик, муздай сув-лойга ботиб тамаки экишлар, сўфи азон айтмай кўзни ишқаб-ишқалаб даштга жўнашлар, тухум пишадиган ёз жазирамасида эшакларни моташтириб сомон янчишлар, томчир чакиллаб турган зах синфхоналарида йиртиқ чопонларга бурканиб дарсда ўтиришлар... Майли, у замонлар олисларда қолди, ўтган ишга саловат, дейлик. Лекин яқин-яқинларда ҳам шундай аянчли кўринишлар бор эдики, эсласанг, этинг увишиб, ваража қўзийди вужудингда. Масалан, йўл азоблари.

Эътибор қилинг, Тошкент — Термиз йўлидан Ургут шаҳарчасигача 15 километр ё чиқади, ё йўқ. Аммо Тошкентдан Самарқандгача бир азоб бўлса, мана шу 15 чақирим — ўн эмас, юз эмас, минг азоб эди! Бир қарич текис жой йўқ, тўрт тараф шудгор, машина тугул, тракторнинг ҳам “ичи тушиб” кетарди “тухум каробка” дейилмиш бу кўчадан ўтиб олгунча. 20-30 йил эмас, тўрт-беш йил аввалги аҳвол эди бу.

Энди-чи? Энди, автоаварияларнинг, қоида бузарликлар кўпайиб кетганидан бир неча жойга сфетофор ўрнатилиб, тезликка чекловлар белгиланди. Йўл ойнадек бўлгач, ҳайдовчи деганнинг завқи тошиб, газни босгиси келаверар экан-да!

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ

фаровон ҳаёт барпо этиш — пировард мақсадимиз

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
юридик фанлар номзоди

Бошланиши 1-бетда

Халқимиз жипслиги, эртанги кунга юксак ишончни ифода этган умумхалқ референдуми ана шундай сиёсий тадбирлардан бири бўлди. Орзу-ниятларимиз, хоҳишларимиз инобатга олинган ҳолда тайёрланган янги таҳрирдаги Конституциямизни фуқароларнинг 90,21 фоизи ёқлаб овоз берди. Бу ҳам халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари Конституцияда мужассам эканидан далолат беради.

Ҳар қандай ислоҳот кучли конституциявий-ҳуқуқий асосга таянсагина кўзланган стратегик мақсад ва самарали натижаларга эришилади. Эътибор қаратсак, тараққиётимизнинг янги босқичида мамлакат ҳаётидаги барча соҳалар замон талаблари асосида ривожланиш тенденцияларини босиб ўтаётганига гувоҳ бўламиз. Барча соҳадаги ислоҳотлар миллий давлатчилик асослари билан халқимизнинг бугуни ва тараққиётини ўйлаган ҳолда, чуқур илмий-амалий таҳлиллар, илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва халқаро умумэътироф этилган принциплар асосида қабул қилинган қонунчилик билан тартибга солинмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Тараққиёт стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим тарихий босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Халқпарвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга асосий эътибор қаратилгани Бош қонунимизнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини янада мустаҳкамлайди.

Давлат ҳокимияти тизими ягона ва яхлит бўлиб, унинг бир бўғинини модернизация қилиш бошқа тармоқларда ҳам ислоҳотларни тақозо қилади. Шунга кўра, тармоқлар ўртасида бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизими самарали ишлашини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари ваколатлари қайта кўриб чиқилгани, ҳукуматнинг, ижро ҳокимияти органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масъулиятини оширишга қаратилган қоидалар билан бойитилгани эътирофга лойиқ.

Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги фармони янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз ва тўлиқ амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлди. Шунингдек, мазкур фармон Бош қонунимизда мустаҳкамланган устувор принципларни янги Ўзбекистоннинг улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлашни назарда тутади.

Фармонда янги таҳрирдаги Конституциянинг ижро этилиши самарадорлигини ошириш мақсадида, аввало, давлат органлари масъулияти оширилишига алоҳида урғу берилган.

Айниқса, фуқароларимиз учун энг муҳим ишонч дастагини бераётган қоида кўрсатилаётгани, яъни янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмагани важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланаётгани қанчадан-қанча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини, қонуний манфаатлари давлат органлари мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборни тортаётган яна бир жиҳат янги таҳрирдаги Конституциямизнинг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича давлат комиссиясининг ташкил этилиши ва аниқ вазифалар белгиланишидир. Хусусан, комиссияга янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, мазкур жараёнда кенг жамоатчилик иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш вазифалари юклатилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш доирасида қилинган ишларни комиссия кенгайтирилган тарзда йилига камида икки маротаба танқидий муҳокама қилиб, давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш вазифаси белгиланган Бош қонунимизнинг том маънода ҳаётийлигини таъминлашга йўл очади.

Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фуқаролар томонидан келиб тушган кўплаб мурожаатларда акс этган ҳуқуқий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилгани ва уларнинг аниқ ижро механизмлари кўрсатилгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг узвийлигига хизмат қилади.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу тамойил аввалари Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати барҳам топишини назарда тутади.

Болалар ва ёшлар масалалари ислоҳотларимизнинг устувор йўналишларидан. Янги таҳрирдаги Конституцияда болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид қоидаларни амалга ошириш, шунингдек, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, боланинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлиқ ривожланиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш масаласи алоҳида инобатга олинган.

Таълим олиш ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш мақсадида ота-оналарнинг фарзандларининг мамлакатимизда таълим олиши учун йўналтирадиган тўловлари солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилишига оид тартибни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймасликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари назарда тутилган.

Фармонда шахснинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан муносабатларига доир масалаларни янги таҳрирдаги Конституциянинг бир қанча моддалари мисолида ижросини таъминлаш тартиби белгиланиши ҳуқуқий давлатга оид сиёсатнинг узвий давомидир. Жумладан, Конституцияда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божи ундирмаслик, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилиши бўйича қонун лойиҳаси киритилиши белгиланган.

Шунингдек, белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиш, давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарар ўрни қопланиши учун шарт-шароит яратиш мажбурияти тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган вазифалар кўзда тутилган.

Конституцияда белгиланган, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда шахсни ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини жорий этиш масаласи ҳам инобатга олинган. Фармон билан янги таҳрирдаги Конституция талабларидан келиб чиқиб, жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш мақсадида унга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилишини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилиши белгиланган.

Эътиборли яна бир жиҳат — ушланган ва тергов остида бўлган шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқларини батафсил тушунтириб берувчи кўргазмали материалларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, тергов идоралари биноларида фуқароларга кўринадиган тарзда жойлаштирилишини таъминлаш масаласи белгилангани. Бу, бир тарафдан, шундай вазиятга тушган шахснинг ўз ҳуқуқлари билан танишиши учун имкон яратса, иккинчи тарафдан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

Фармонда барча таълим муассасалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўргатиш бўйича ўқитишни ташкил этишга оид масалалар комплекс назарда тутилгани жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан Конституцияни чуқур ўрганиш, қўллаш борасидаги масъулиятини оширади.

Юқоридаги асослар ва омиллар далолат берадики, Президентимизнинг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони янги таҳрирдаги Конституция нормалари ҳаётийлигини, халқпарвар сиёсатнинг узвийлигини таъминлашда, кўп миллатли Ўзбекистон халқи бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарорининг ижросини намоён этишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШ ОРҚАЛИ ЁРҚИН КЕЛАЖАК БАРПО ЭТА ОЛАМИЗ

Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Ёшлар тарбияси барча даврнинг энг долзарб масаласи бўлиб келган. Тарихчи Геродот Шарққа сафари чоғида Миср эҳромларидаги бир битик уни ажаблантирган: “Ёшларнинг тарбияси бузилиб кетяпти. Нима қилмоқ керак?!”.

Муаррихнинг бу битикни ўқиганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Ёзувнинг битилганига эса ким билсин қанча вақт бўлган? Демак, ёшлар масаласи ҳамиша ўз долзарблигини йўқотмаган, бунга ҳамма даврларда ҳам турли даражада муносабат билдирилган.

Улуғ маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ойна” журналининг 41-сонида эълон қилинган ёшларга мурожаатномасида бундай ёзади: **“...Ушбу тараққий этган замонда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ таассуб билан яшаб бўлмайди. Ҳозирги замонавий тараққиёт ва ривожланиш шундай кучли бўлмоқдаки, озгина фурсат ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган таассубларимизни илдизи билан қўпориб ташлайди. Шунинг учун барча ёшларимиз бу борада бир нарсага таянишлари мумкин. Бу нарса илму маърифатдир”.**

Башарият яралибдики, тарбия масаласининг долзарблиги ҳеч қачон кун тартибидан тушмаган. Муқаддас динимизда ҳам тарбияга катта эътибор қаратилади, алоҳида урғу берилади. Роғиб Асфаҳоний таърифлаганидек, тарбия — инсоннинг диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир.

Исломда фарзанд тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидан бири саналади. Зотан, ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукри ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан тўғри адо этиш орқали юзага чиқади. Амалий шукр — берилган неъматни неъмат берувчи Зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш. Бинобарин, фарзанд неъматига амалий шукр қилиш ўша фарзандни Аллоҳ таолога итоат қиладиган банда қилиб тарбиялаш орқали амалга оширилади.

Қуръони каримда одамзодни тарбияга чорлайдиган оятлар кўп. Хусусан, Луқмони Ҳакимнинг ўғлига қилган насиҳати келтирилган оятлар тарбиянинг олий намунаси, инсоннинг зурриёти олдидаги бурчи ва фарзанднинг отасидаги ҳаққи ҳақида баён қилади: “(Луқмон яна деди): **“Эй ўғилчам! Шубҳа йўқки, агар хантал** (ўсимлигининг) **уруғидек** (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) **бўлса, бас, у** (амал) **бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро, Аллоҳ лутфли ва огоҳ зотдир. Эй ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган** (балолар)**га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир. Одамларга** (кибрланиб) **юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас.** (Юрганингда) **ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин!”** (Луқмон сураси, 16-19-оятлар).

Тарбия инсон камолотининг асосидир. Бизда фарзанд тарбияси ҳар бир оила учун асосий вазифа бўлиб келган. Қадимдан халқимиз тарбияга алоҳида эътибор қаратган. Бежиз “Бир болага етти маҳалла ота-она”, дейилмайди.

Лекин афсуски, бугун фарзанд тарбиясини ота-онадан кўра, кўпроқ телефон, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар бажаряпти, десак, хато бўлмайди. Чунки дарвозасиз шаҳар бўлган ижтимоий тармоқлар ақидаси бузуқ, соф ислом таълимотига зид ғоялар билан ёшларнинг онгу шуурини заҳарлашга чиранмоқда.

Бундай шароитда ота-она, устоз ва мураббийлар — барча-барчага ёшларни эътибордан четда қолдирмаслик, уларни ҳар қачонгидан кўра, кўпроқ назорат қилиб туриш вазифаси юкланади. Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сиздан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир”**, дедилар.

Давлатимиз томонидан қонун асосида очиб қўйилган ўрта махсус диний таълим муассасалари, олий диний таълим масканлари, Қуръони карим ва тажвидни ўргатиш курслари фаолият юритаётган бўлишига қарамасдан, афсуски, айрим ёшлар интернетдан, ижтимоий тармоқлардан “устоз”лар ахтармоқда. Бу жуда хавфли ҳолат.

Шу билан бирга, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-портали www.muslim.uz, www.fatvo.uz ва идора тизимига қарашли бир неча расмий интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги каналлар ишлаб турибди. Бироқ фаолияти тақиқланган сайтлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилаётгани ачинарли ҳолдир.

Фарзандларимиз диний илм билан бир қаторда дунёвий фанларни ҳам пухта ўзлаштириши шарт. Аслида, илмни диний ёки дунёвий, деб ажратишнинг ўзи хато. Бугунги тараққиёт асрида ёшларимиз ҳар жиҳатдан баркамол бўлиши зарур. Акс ҳолда, жадидчи маърифатпарвар бобомиз Мунавваркори Абдурашидхонов айтганидек, **“Бугунгача Оврўпо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, оврўполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийимлар жанжаллари, Оврўпо шаҳарлари бугун электрик иситилар ва ёритилар экан, бизда мактабларда жўғрофиё ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари... давом этади”** (“Туркистон” газетаси, 1923 йил) каби муаммолар гирдобидан чиқиб кета олмаймиз.

Диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни пухта ўзлаштирган кишини ҳеч ким чалғита олмайди. Чунки у ҳар бир ишини ақл тарозисига солиб амалга оширади. Миллий қадриятларимизга, муқаддас динимизнинг соф таълимотига зид ҳеч қандай таъсирга алданмайди.

Шундай экан, ўғил-қизларимизни замон талабларига жавоб берадиган даражада вояга етказиш ҳар биримизнинг олдимизда турган катта масъулиятдир. Бугуннинг боласи жисмонан соғлом, маънан етук, ўз фикрига эга, касб-ҳунарни эгаллаган, замонавий технология ютуқларини яхши ўзлаштирган бўлиши шарт. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш осон бўлади.

ШУКУҲ

САМАРҚАНДГА БОРСАМ ҲАР САФАР...

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЭНИ 175, БАЛАНДЛИГИ 25 МЕТРЛИ ЯНГИ ТЕРМИНАЛ, УЧИШ-ҚЎНИШ ЙЎЛАГИ, ТУРАРГОҲ ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАР БАРПО ЭТИЛДИ. ИЛГАРИ 400 ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЭРОПОРТ ЭНДИ 1000 КИШИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛДИ.

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Бошланиши 1-бетда

Биргина шу мисолнинг ўзиёқ қатор саволларга сабаб бўлади: хўш, қаёқдан пайдо бўляпти бундай мусаффо эврилишлар? Неча-неча йиллар мобайнида тизза бўйи чанг-лойга беланиб ётган илон ўтмас кўчалар қандай қилиб бунчалар тез обод бўлди, текисланди, асфальтланди, чирой очди? Бўсағасига қадам қўйсанг, бошинг “тақ” этиб эшик пештоқига уриладиган етим уйлар ўрнида қандай қилиб серқават иморатлар қурилди? “Тап” этиб тушмагандир осмондан, ахир? Ё, ердан чиқдими қўзиқориндай? Турнадай тизилган 9-12 қаватли биноларга бир қаранг! 5-6 йил аввал дайди шамол шувоқларни коптокдай думалатиб юрган Ургут даштларида бунақа кошоналар қурилади десанг, ишонармиди инсон боласи?

Энди-чи? Энди “Маҳаллада дув-дув гап” киносидагидек фаришталарҳра момоларимиз баланд уйлар пешайвонида елпиниб сурайё хаёллар оғушида ҳукуматга дуолар айтиб ўтиришибди.

Гап Ургутдан бошланган экан, келинг, туман қиёфасига доир айрим чизгиларга нигоҳ ташлайлик. Бундан бор-йўғи 30-35 йил бурун бу маконда тамаки заводидан бўлак саноатга дохил биттаям корхона йўқ эди. Уям номига — тамакини чалачулпа ферментация қиларди, холос. Тугма топсанг игна, игна топсанг, тугма қидирардинг.

Энди-чи? Айтсам, элдан айрилган баъзи “оға”лар, эҳ-ҳе, Ургут жаннатга айланиб кетган экан-у, бехабар қолибмиз-да, дея мийиғида муғомбирона илжайиб, меровсираши мумкин. Ношукур деймизми, беандиша деймизми, худбин ёки кўролмовчи деймизми, ишқилиб, мазкур тўдага мансублар ҳамиша, ҳамма замонларда бўлган, бундан кейин ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Қолаверса, нуфуси 35-40 миллионли мамлакатда икки-учта ғаламис-ҳасадчининг бўлиши ҳам табиий ҳол. Бундан фожиа ясаш ёхуд ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Доно боболаримиз айтганлар-ку, ҳар инсоннинг дўсту душмани, ҳар ўлканинг гулу тикани бўлади, деб. Демак, ютуқларингдан боши осмонларга етгувчи қадрдонлар қаторида аламзада, ҳасадгўйлар бўлиши, боғингда унган ҳар гул уларнинг баданига тикандай қадалиши ҳам янгилик эмас. Мунаввар юксакларга, улуғ мақомларга эришаётганинг уйқусини заҳарлайди, ичи кирлигини хаспўшлаш учун бошқаларга жони ачийдиган одам терисини ёпинволиб, бошқаларнинг ичига ғулғула солишга интилади унақалар.

Начора, халқ мақолларида бекордан-бекорга ёмон балиқ сув лойқалатади, ёмон мўридан аччиқ тутун чиқади, дейилмаган. Виждонсиз кимсадан ўпкаламаслик мумкин. Аммо яна бир ҳақиқат борки, ит вовуллагани билан тоғ қуламайди. Дарёни бир кесак билан лойқалатиш мумкин эмас. Ачинаман, раҳмим келади ундай одамларга.

Хуллас, нонини еб, дастурхонига тупургувчи мунофиқларга Худойимдан инсоф сўраб, уларга бобокалонларимизнинг “Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил” деган ибратли насиҳатини эслатамиз-да, яна Ургутга қайтамиз.

Тўғри, Ургут жаннатга айланиб кетгани йўқ. Ечимини кутиб турган масалаю муаммолар, йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликлар оз эмас. Ҳозир гап сўнгги 5-6 йил ҳақида кетяпти, 50-60 йиллар давомида сўлиб-сўлимай, қуврав-қувролмай аросатда қолган боғларнинг сўнгги 5-6 йил орасида гулларга бурканаётгани, кўчалар, ҳовлилар райҳонлар ҳидига кўмилиб бораётгани ҳақида кетяпти. Баланд томга сакраб эмас, нарвон билан битта-битталаб чиқиш ҳақида кетяпти. Ишнинг кўзини билиб, тиришқоқлик билан қилинган меҳнатнинг нони нақадар ширин ва мазали бўлиши, терга ботганларнинг зарга ботиши ҳақида кетяпти. Ургутдаги ривожланишларнинг илдизи ҳам битта — меҳнат. Аҳиллик билан қилинаётган ҳалол меҳнат туфайли юксалиш шитоблари бўрон каби шиддатли. Кимдир “лоф” дейдими, “қоф” дейдими, барибир айтаман, айтмасам бўлмайди — ҳозир туманда одамнинг жонидан бўлаги ишлаб чиқариляпти. 5-6 йил ичида шундай бўлди. Ҳадемай Хитойдагидек “сунъий одамчалар” яратамиз, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Кўрасиз, бунисигаям гувоҳ бўламиз, Худо хоҳласа.

эса дўппидайгина. Шуниям ярми тоғу ярми тошлоқ. Осонми бундай шароитда 600 минг жоннинг тирикчилик қилмоғи? Аммо меҳнат қанча оғир бўлса, охири шунча ширин бўлади. Меҳнат ҳам эгиз-эгиз, давлат ҳам эгиз-эгиз, меҳнат қилсанг, яшарсан, катта-катта ошарсан, дейилмиш шарқона ҳикматлар қанчалар мукаммал эканини кўрмоқчи бўлсангиз, Ургутга боринг. Ишнинг кўзини топган, меҳнатда тобланган, меҳнатда синалган, меҳнат билан тошда гул ундираётган одамларни кўрасиз, кўриб ҳайратларга кўмиласиз. Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат эканига имон келтирасиз. Меҳнатсиз бахт келмаслигию, меҳнат қилган одамларнинг тоғдек кўкрак кериб юришига дил-дилдан ҳавасингиз келади.

Илло, Президент фармонига биноан, қишлоқларда саноатни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш мақсадида ташкил этилган иқтисодий зона, мард ва танти одамларнинг аҳиллик билан сидқидилдан қилган ҳаракатлари туфайли ҳаял ўтмай, кўрку жамолини кўз-кўз қила бошлади.

Энди айрим рақамларга мурожаат қиламиз. Тўғри, рақамлар гоҳида зерикарли туюлади. Ваҳоланки, рақам — ғарқ пишган шиғил-шиғил мевалари кўзни қамаштиргувчи мевазор-боғ. Рақамлар тимсолидаги мўл ҳосил, мевалар лаззати дилларни яйратади. Масалан, икки-уч йил орасида “Ургут” эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд

2

Қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Қуруқ гап қулоққа ёқмайди. “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги ишлар қулоққа ёқяптигина эмас, қошиғу қозонларни мойга, дастурхонларни ноз-неъматга, дилларни ифтихор туйғуларига тўлдиряпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шу қадар кўпки, санаб саноғига етолмайсиз.

Уёғини сўрасангиз, “Эркин иқтисодий зона” деган гап бундан 5-6 йил аввал одамнинг тушига ҳам кирмаган эди. Илк бор Президент Шавкат Мирзиёев томонидан истеъмолга киритилди бу шукуҳли ибора. 2017 йил 12 январда давлатимиз раҳбарининг Ургут ҳақидаги махсус фармони қабул қилиндию, том маънода янги давр, янги ҳаёт бошланиб кетди бу қадим заминда. Шу ўринда, кимдир билиб, кимдир билмайдиган бир рақамни эслатай: Ургут мамлакатимиз қишлоқ туманлари ичида нуфуси баландлиги жиҳатидан карвонбоши ҳисобланади — аҳолиси 600 мингга яқин. 600 минг! Бу қарийб бутун бошли айрим вилоят аҳолисига тенг, деганидир. Ер майдони

84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани, 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошлангани, 4,5 мингдан зиёд киши иш билан таъминлангани каби шоён воқеалар шавқини рақамларсиз ифодалаб бўладими? Ёки бу ерда ташкил этилган корхоналар томонидан газ плиталари, енгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари сингари 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганию, фақат 2020 йилнинг ўзида 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилингани-чи?

Юқорида ютуқлар “тап” этиб осмондан тушмаслигини тилга олдик. Хўш, унда... Ундами?

Арпасиз от довон ошолмайди. Агар давлатимиз раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш ва соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим ташаббусларни истеъмолга киритмаганида эди, эҳтимол, юқоридаги рақамлар дунёга келмаган бўларди. Мазкур ташаббуслар боис, даставвал, корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилди. Яъни 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани — ўрта бизнес тоифасига киритилди. 2023 йилдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизлик солиқ ставкаси жорий этилди. Бу айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди, дегани эди. Яна бир муҳим янгилик — 2023 йилдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг 50 фоизини тўлайдиган бўлди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига, янги-янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилувчи бундай омиллар тадбиркорларга имкониятлар эшикларини янаям каттароқ очиб юборди.

Боғ жамоли — боғбондан, ғозлар йўлбошчисиз учмайди, деганлари шу эмасми? Эл оғаси элни ўйлайди, элга суянади, элим дейди, эл кучи — сел кучи, дейди. Туну кун элим, халқим, ватаним деб куюнган Президент Самарқандга ташрифлари чоғида қайта-қайта Ургутда бўлди. Эркин иқтисодий зонада бажарилаётган ишларни таҳлил қилди, тавсиялар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Ҳудуддаги “Kamalak Tekstil” корхонасига борганидан сўнг туман келажагига доир ўнлаб янги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари қизиб кетди. Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкат гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқаради. Ўша кунлари иқтисодий зонада қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган, бу лойиҳалар ишга тушгач, 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган эди. Ташриф натижасида яна қиймати 144 миллион долларлик 21 қўшимча лойиҳа шакллантирилиб, 206 миллион долларлик 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш юмушлари бошлаб юборилди.

3

Бугун фақат Ургутда эмас, Самарқанд заминининг ҳамма қишлоғу кентларида бир-биридан обод манзил-макон кўпайгандан-кўпайиб боряптики, бунга ер гувоҳ, осмон гувоҳ. Сулув манзараларни кўрмоқ учун Зарафшон дарёсининг Равотхўжа кўприги орқали Ургутдан шундоқ Булунғур ёки Жомбойга ўтиб, атрофга бир таважжуҳ этмоқ кифоя. Жомбой заводидан чиқаётган автомобиллар, Булунғур туманида етиштирилаётган полиз ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш йўлга қўйилгани ёки атиги уч йилда қад ростлаган “Боқий шаҳар”! Қараб тўймайсиз, боқиб яйрайсиз, таъзимлар қилгингиз келади бундай маҳобатли мажмуа яратувчиси бўлган истеъдод соҳиби ва қўлигул бунёдкорларга.

Қиёси йўқ бу мажмуа ижодкори ҳам давлатимиз раҳбари экани барчага маълум. 2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд туманига қарашли эшкак эшиш канали бўйидаги 212 гектар майдонда мажмуа қуришга киришилди. Улкан мажмуа пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, қисқа вақтда қуриб битказилди.

Кўп тармоқли мазкур марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар”, амфитеатр ва яна кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилига 2 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиши мумкин.

Мажмуанинг қадимий бозор қисмида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та ҳунармандлик устахонаси қурилган. Бу устахоналарга келганлар бутун Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилгандек бўлади. Ёғоч ўймакорлик усталари, кулоллар, заргарлар, гилам тўқувчиларнинг иш жараёнларини кўриб ҳайратга тушади.

Янги туризм маркази бўлмиш “Боқий шаҳар”даги Конгресс холл, замонавий меҳмонхоналар аллақачон йирик халқаро анжуманлар ўтадиган манзилга айланиб кетди. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви, эрта-индин бўладиган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 32-йиллик анжумани, Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси... Келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сонини 1,5 миллионга, мамлакатимизга келадиганлар сонини эса шу йилнинг ўзидаёқ 10 миллионга етказиш кўзда тутилган. Бундай улуғвор мақсадларга эришишда ҳам мажмуа аҳлининг беқиёс ўрни бўлади.

Энди 1967 йилда қурилган Самарқанд аэропорти бундан 5-6 йил бурун қанчалар кўримсиз аҳволда бўлганини эслайлик. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасидан сўнг ушбу “ҳаво дарвозаси” аллома бобомиз Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” китоби шаклида бутунлай бошқатдан модернизация қилинди.

Лойиҳа доирасида эни 175, баландлиги 25 метрли янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, турарғоҳ ва бошқа объектлар барпо этилди. Илгари 400 йўловчига хизмат кўрсатган аэропорт энди 1000 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлди. Турли ҳажмдаги самолётлар учун 20 дан ортиқ турарғоҳ барпо этилди. Қарийб 1000 киши иш билан таъминланди.

Ер юзининг сайқали бўлган қадимий Самарқанд ҳуснига ҳусн қўшган манзиллардан яна бири Қорасув мавзесидир. Таъкидлаш керакки, 2018 йилга қадар Самарқандда 12 қаватдан юқори бино қурилмаган. 2019 йили худди шу массивда 14-16 қаватли уйлар бўй кўрсата бошлади. 2019 йилнинг ўзида “Agromir Buildings” масъулияти чекланган жамияти томонидан 47 та турар жой қурилди, 3588 оила уй-жойли бўлди. Бу уйларнинг бошқалардан устун томонлари ҳам кўп. Уларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлгани учун бу хоналар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар 9 балли зилзилага чидамли. Бугунга келиб, мазкур мавзеда қурилган кўп қаватли уйлар сони юздан ошиб кетди. Улар орасида 25 қаватли иморатлар, мактаб, болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, ўйин ва спорт майдончалари бор.

4

Ҳа, шоирона ташбеҳ билан ифодалаганда, Самарқандда “чаппар уриб гуллаган боғлар” кун сайин, соат сайин кўпайиб бормоқда.

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мажмуасининг тамомила янгитдан бунёд этилаётгани, бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактабининг ташкил этилгани,

Ҳазрати Ҳизр мажмуасида қурилган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбараси, университет хиёбонидаги Конфуций майдони, шаҳар кўчаларини обод қилиб турган кўприклар, туннеллар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, туманларда Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Германия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар...

Самарқанд жамолини муфассалроқ идрок этмоқ учун яна айрим рақамларга мурожаат қилишга тўғри келади. Диққат қилинг, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,8 фоизга ўсиб, 52,9 триллион сўмга етди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бу кўрсаткич 1,9 миллион сўмга кўпайди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 19,4, қурилиш-пудрат ишлари 10,1 фоизга ўсди. 49 қўшма корхона ташкил этилди. 373,8 километр умумфойдаланувдаги, 2343,1 километр ички, жами 2716,9 километр автомобиль йўллари таъмирланди.

Булар — 2022 йилги ютуқларга мансуб рақамларнинг айримлари, холос. Рақамлар эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Юзлаб, минглаб меҳнаткаш одамларнинг пешона тери, қалб қўри бор уларнинг жисми-жонида. Ҳатто миллатнинг, мамлакатнинг қувваю ҳофизасини — бугунию эртасини рақамларсиз тасаввур қилиш қийин. Ўйлаб-ўйлаб жўяк олсанг, ўйнаб-ўйнаб суғорасан, от минсанг, олисни кўзла, дейди шунинг учун ҳам машойихлар. Вилоят меҳнаткашларининг бу йилги марралари янаям баланд. Улар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 52,9 триллион сўмдан 62,4 триллион сўмга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 22,8 триллиондан 29,4 триллион сўмга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 14,4 триллиондан 18,4 триллион сўмга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 40,3 триллион сўмдан 43,9 триллион сўмга кўпайтиришга бел боғлаган.

Олтин зинапоялардан фақат юксакларга қараб талпинаётган бу замин халқининг иродаси, ватанпарварлиги, каттаю кичиннинг “ипни ипга қўшсанг, арқон бўлади”, дея бирдамликда интилиши, дориламон кунларга ишончининг ифодаси бўлмиш бундай ютуқлар қалбга ўзгача ғурур, куч-қувват бағишлайди, албатта. Ва шукрлар қиламизки, дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлиб боряпти, жаҳоннинг илғор мамлакатларига бўйлашиб боряпмиз. Қанча-қанча тубсиз ва жавобсиз муаммолар ечими топиляпти. Ишсизлар ишли, уйсизлар уйли бўляпти.

Аммо дунё нотинч. Дунё безовта. Дунё симобдай қалқиб турибди. Сиёсий иқлим ақл бовар қилмас шиддат измида этагини тутқазмаяпти. Бундан минг-минг йиллар аввалги даҳшатларни эсга солувчи ваҳмкор воқеалардан ҳатто самовий сайёралар ҳам ўз ўқи атрофидан чиқиб кетгудай ташвишда. Ур-сурлар бўронида, эрта тугул, саноқли дақиқалардан кейин нималар бўлиши тасаввурга сиғмайди. Ўйламай қўйилган бир қадам ёки билиб-билмай айтилган бир сўз тубсиз жарга қулатиши мумкин.

Бугун нафақат мамлакатлар ва сиёсатлар ўртасида, балки яхшилик билан ёмонлик, ҳалоллик билан ҳаром, садоқат билан хоинлик, тўғрилик билан ёлғон каби хислату иллатлар ўртасида ҳам бешафқат жанглар кетяптики, бундай ҳаёт-мамот курашлари кишини ҳар нафасда ҳушёр туришга даъват этади.

Янаям ачинарлиси, орамизда улуғ мақсадларга етишни худди сувда эриёдиган шакардек енгил тасаввур қиладиган бетоқатлар, дўппи берсанг саллани, салла берсанг, дўппини талаб қилувчи боқимандалар ҳам бор. Уларни кўрганда, эй биродари азизлар, одам деганда жилла қурса, бир озгина ҳаракат, бир озгина ташналик, ҳаяжон, иштиёқ, фидойилик, тафаккур, бир озгина шукроналик бўлиши ҳам керак-ку, дейишдан тиёлмай қоласан ўзингни. Тиёлмайсан-да, кечагина маошини ололмай, банклар эшигида сарғайиб ўтирган, бир уват наридаги қўшни давлатга чиқолмай девона бўлган, эшикма-эшик иш ахтариб, тополмай, яшашга ҳафсаласи қолмаган айрим кишиларнинг мана шунақа ношукурлигини кўриб турганингдан кейин.

Беҳаловат кунларда биз юрадиган кўча битта. Давлатимиз раҳбари бу йўлни аниқ қилиб айтган: **“Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни, албатта, барчамиз биргаликда бунёд этамиз”.**

Биргаликда янги Ўзбекистонни бунёд этиш иштиёқи айни дамларда мамлакатимизнинг барча қишлоғу шаҳарларида, ёшу қари — ҳамманинг қалбида Зарафшон дарёсидек шиддат билан жўш урмоқда. Самарқандда бўлганлар бу қудратли тўлқинни кўзи билан кўради, қалби билан идрок этади. Самарқандликларнинг “шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлади”, деган қадимий ҳикматни ўзларига шиор қилиб, тотувликда тиллашиб, қўллашиб, беллашиб, бирлашиб, иттифоқлашиб меҳнат қилаётганидан руҳи тоғдай юксалади ва шоирликдан бехабарлар ҳам беихтиёр:

Самарқандга борсам ҳар сафар,
Кутиб олар қутлуғ зафарлар! — дея шеър тўқиб юборганини сезмай қолади.

10 май 2023 йил

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ИНДИКАТОРЛАРИ

Нурбек ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз қайд этганидек, энг асосийси, эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин ортиб боряпти. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустаҳкам ўрни, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар натижасида ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди, миллий иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилди, экспорт эса 19 миллиард долларга етди.

Бундай марраларга эришишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни катта. Олдинда турган вазифалар кўлами эса янада масъулиятли.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жорий йилда ҳам алоҳида аҳамият қаратилиши таъкидланганди. Бу жиҳатлар янги таҳрирдаги Бош қонунимизда ҳам ўз ифодасини топди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сони ортиши билан узвий боғлиқ. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди:

агар 2010 йил якунига кўра, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 159,8 мингта, ЯИМ ҳажми 78,9 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йил якунида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 367,4 мингтага ёки 3,3 баробар ортиб, 527,2 мингтани ташкил этди. Ушбу даврда ЯИМ ҳажми 888,3 триллион сўм даражасига етди.

Ҳудудлар кесимида тадбиркорлик субъектлари сонининг 2010 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари Самарқанд (4,8 баробар), Навоий (4,3 баробар), Жиззах (4,2 баробар), Тошкент (3,6 баробар) ва Фарғона (3,6 баробар) вилоятларида кузатилган. Айни пайтда корхоналар сонининг сезиларли ўсиши саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг 29,9 мингтадан 98,6 мингтага ортганида яққол кўзга ташланади.

Улар орасида 3 йилгача бўлган даврда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 238,6 минг, 3 йилдан 5 йилгача 118,8 минг, 5 йилдан 10 йилгача 86,7 минг ва 10 йилдан ортиғи 83 мингтани ташкил қилади.

Ҳудудлар кесимида 10 йилдан ортиқ даврда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши умумий кўрсаткичга нисбатан таққослаганда, энг юқори ҳисса Сирдарё (18,2 фоиз), Андижон (18 фоиз), Фарғона (17,4 фоиз), Қашқадарё (17,1 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (17,4 фоиз) қайд этилди.

Ҳозирда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг 3 минг 666 таси йирик корхона, 523 минг 556 таси кичик корхона ва микрофирмалар саналади.

Саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 2011 йилнинг мос даврига нисбатан 68,8 мингтага ортиб, 98,7 мингга етди. Жами фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг 18,7 фоизи саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари савдо соҳасида 34,7, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 10,1, қурилиш соҳасида 8,9, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлари соҳасида 7, ташиш ва сақлаш бўйича хизматлар соҳасида 3,9, ахборот ва алоқа соҳасида 2,3 ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида 1,9 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 90 минг 565 та бўлиб, бу мамлакатимизда ойига ўртача 7 мингдан ортиқ янги субъект вужудга келаётганини кўрсатади.

Ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичларидан бири тегишли жойда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1 минг нафар аҳолига тўғри келадиган ўртача миқдори билан ўлчанади.

Доимий аҳоли сонининг умумий ўсиши 753,6 минг кишини ташкил этиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда доимий аҳоли сони 36 миллиондан ошди. Самарқанд (4 118,4 минг), Фарғона (3 976,5 минг), Қашқадарё (3 482,6 минг), Андижон (3 322,8 минг) ва Наманган (2 997,6 минг) вилоятлари энг кўп аҳоли яшайдиган ҳудудлар ҳисобланади.

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, республика бўйича ҳар минг нафар аҳолига тўғри келадиган тадбиркорлик субъектлари 14,6 тани ташкил қилади. Ҳудудлар бўйича оладиган бўлсак, энг кўпи Тошкент шаҳри (36,4 та), Навоий (21,7 та), Сирдарё (16,8 та), Тошкент (16,6 та), Жиззах (15,3 та) ва Бухоро вилоятлари (15 та) улушига тўғри келади.

Аҳолиси кўп бўлган ҳудудларда мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш орқали тадбиркорлик субъектлари сони, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ортишига эришиш мумкин.

Алоҳида қайд этиш жоиз, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси еттита устувор йўналишидан бири ҳисобланади. Унда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги мақсадлар қамраб олинган.

Биринчидан, 21-мақсадни амалга ошириш доирасида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш учун замин яратиш лозим.

Иккинчидан, 22-мақсадга эришиш учун миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсатни давом эттириб, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш кўзда тутилган.

Учинчидан, 29-мақсад ижросини таъминлаш доирасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароит яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини янада ривожлантириш ва халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг асосий вазифаларидан бири — расмий статистика соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методология, халқаро стандарт ва қоидаларга асосланган яхлит миллий статистика тизимини яратиш ва унинг фаолият кўрсатишига йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ундан фойдаланувчилар, шу жумладан, хорижий фойдаланувчиларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ва республикада фаолият олиб бораётган иқтисодий бирликлар ҳисобини юритишни тизимли ташкил этиш мақсадида Статистика агентлиги томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) амалиётга жорий этилган. Бу жараёнда рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида корхона ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар базаси иш олиб боради.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомга асосан, мазкур регистр фаолияти йўлга қўйилди.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар, жумладан, давлат хизматлари марказлари тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахсларни, Адлия вазирлиги эса нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек, Марказий банк тижорат банкларини рўйхатдан ўтказади.

Ўз навбатида, рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан КТЯДРни юритиш учун зарур бўлган, ягона давлат реестрига киритилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар бевосита Статистика агентлигининг Интернет тармоғидаги www.stat.uz идоравий сайтида автоматик тарзда акс этиб боради.

КТЯДРнинг мақсадларидан бири ўлароқ, тадбиркорлик субъектларининг демографияси бўйича ойлик, чораклик ва йиллик маълумотлар шакллантирилиб, мунтазам равишда фойдаланувчиларга тақдим этиб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги қарори билан корхона ва ташкилотлар тўғрисида олиш мумкин бўлган маълумотлар рўйхати 8 тадан 16 турга кўпайтирилди. Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва унинг асосида давлат хизматини кўрсатиш ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этиш, маълумотларни инсон омили аралашувисиз давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (https://my.gov.uz/uz/service/662) орқали онлайн режимда олиш имконияти яратилди. Статистика агентлигининг www.stat.uz расмий сайтида реал вақт режимида сўралаётган юридик шахслар (СТИР) кодини киритиб, маълумотларни олиш хизмати жорий этилган.

Мазкур қарор давлат хизматини кўрсатиш жараёнларида ортиқча бюрократик тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш билан бир қаторда, расмий статистикадан фойдаланувчиларни ишончли маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Миллий статистика тизимида солиштирма маълумотлар ва кўрсаткичларни шакллантириш билан бир қаторда корхона ва ташкилотлар регистри ҳам халқаро миқёсда мавжуд талабларга мос келиши зарур. Айнан шу талаб бугунги кунда ҳар қандай статистика тизимидаги регистрларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундан ташқари, маълумотларнинг халқаро миқёсда алмашинувини таъминлашда ҳам корхона ва ташкилотлар регистрининг аҳамияти катта.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, корхоналар статистик регистри Қозоғистон Республикаси расмий статистикасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унда республикада рўйхатдан ўтган юридик шахслар, унинг таркибий бўлинмалари, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топиб боради.

Малайзияда эса корхоналар регистри мамлакат статистика департаменти томонидан юритилади. Хусусан, корхона ва ташкилотлар бўйича маълумотларни Малайзия корхоналар статистик регистри (i-MSBR) тизимидан олиш жорий этилган.

Мамлакатимизда ҳам Статистика агентлиги томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб олинган. Ҳозирги пайтда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда КТЯДРни уларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш жараёнини давом эттириш ва белгиланган тартибда ишлашини таъминлаш, услубиётни сўнгги халқаро тавсияларга тўла мослаштириш, статистик классификаторларни ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри базасини такомиллаштириш устида иш кетмоқда.

Ушбу тадбирлар якунига етгач, мамлакатимизда иқтисодиёт, хусусан, корхона ва ташкилотларга доир муҳим кўрсаткичларни аниқлаб олиш ҳамда уларнинг сифатини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Йиллар	Жами	шу жумладан:			
		3 йил давомида фаолият кўрсатаётган	3 – 5 йил давомида фаолият кўрсатаётган	5 – 10 йил давомида фаолият кўрсатаётган	10 йилдан ортиқ даврда фаолият кўрсатаётган
2018 йил	265 016	107 419	37 352	60 876	59 369
2019 йил	337 096	165 894	43 058	61 898	66 246
2020 йил	414 186	216 520	54 615	68 712	74 339
2021 йил	465 889	251 608	67 999	69 922	76 360
2022 йил	527 222	238 649	118 837	86 708	83 028

(Тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси)



(Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари)



(Ҳар минг нафар аҳолига тўғри келадиган фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари)

(Тадбиркорлик субъектлари сони ва ЯИМ ўсиши)

ТУРИЗМ ВА ТАЪЛИМ

Фойдаланилмаган сайёҳлик салоҳияти

Бир оз эътибор ва саъй-ҳаракат минглаб туристларни чақиради

Иномжон МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети ректори

Бошланиши 1-бетда

Топшириқ олингани заҳоти ижросига киришилди. Ўзбекистон Миллий университетига бириктирилган Ховос, Фориш, Зомин, Арнасой туманларининг туризм объектлари тўғрисидаги маълумотни бойитиш мақсадида тўртта ишчи гуруҳ тузилди. Тегишли факультетлар деканлари раҳбарлигида тўртала туманга тарихчи, археолог, этнограф, географ, эколог ва иқтисодчилардан иборат гуруҳлар юборилди. Шунингдек, туманларнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш бўйича Жиззах ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимликлари билан ҳамкорликда "йўл хариталари" тасдиқланди.

Президентимизнинг шу йил 26 апрелдаги "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида мазкур йўналишдаги вазифаларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб берилди. Зарур тавсия ва таклифлар асосида сайёҳликни ривожлантиришга доир энг қулай ва самарали механизмлар кўрсатилди.

Университетимизга бириктирилган ҳудудларга чиқиб ўрганиш асосида Зоминда 11 та, Форишда 7 та, Арнасойда 2 та, Ховосда 5 та туризм объекти мавжудлиги қайд этилди. Айни пайтда бошқа янги объектларни ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда. Келгусида қилинадиган асосий ишлар олдимизда турибди. Жумладан, 4 тумандаги 21 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва туристик объектлари контенти яратилади. Табиийки, улар асосида камида 3 тилда маълумотлар электрон базаси шакллантирилади. Кейинчалик яна ўндан ортиқ хорижий тилга таржима қилинади. Туристик объектларнинг электрон харитаси ишлаб чиқилади. Энг муҳими, иқтисодиёт, тарих, геология, география, экология, журналистика ва хорижий тиллар йўналишларида ўқиётган талабаларнинг 1-2 ойлик амалиёти шу туманларда ташкил этилади. Бу билан назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга эришилади. Ёшлар олган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш учун кенг майдон ва имкониятга эга бўлади.

Туманлардаги туризм объектлари ва маданий ёдгорликлар ҳақида янги маълумотлар тўплаш осон иш эмас. Шунинг учун йил давомида этнография, археология, тарих, экология йўналишларида тадқиқот экспедициялари ташкил этилади. Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, ҳудудлардаги туризм ва сервис объектлари ходимларининг малака ва тажрибасини оширмай, сифатли сайёҳлик хизмати кўрсатишга эришиб бўлмайди. Шу боис, мазкур йўналишда фаолият юритувчи мутахассислар учун ўқувлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Тегишли йўналишдаги талабаларнинг дипломолди амалиётини мазкур туристик объектларда ташкил этиш орқали ҳам муайян натижага эришилади. Қолаверса, ҳудудлардаги маҳаллий ёшлардан иқтидорлилари сараланиб, гидларни тайёрлаш бўйича масофавий ва онлайн курсларда ўқитилади.

Яна бир муҳим ташаббус шуки, ўлкашунослик ва этнография бўйича ҳар йили талабалар форумини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу йил Зоминда, келгуси йили Фориш, Арнасой туманларида шундай шукуҳли йиғинларни ўтказиш ниятидамиз. Бунинг самараси ўлароқ, ҳар бир туман бўйича тарихий, географик, экологик, археологик маълумотлар жамланган "Ўлкашунослик" номли тўплам тайёрланиб, нашр қилинади.

Сайёҳларни жалб этиш бўйича ўзига хосликларига кўра, университетимизга бириктирилган ҳудудларда туризмни ривожлантиришга доир ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширяпмиз. Чунончи Ховос туманида сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун, аввало, туристлар бориши мумкин бўлган барча объектларни бирлаштирувчи чизмали хариталар яратилади ва геолокацияси аниқланади. Албатта, барча туристик объектларнинг 3D форматидаги модели ишлаб чиқилади. Сўнг манзилларнинг биридан бошқасига бориш мумкин бўлган энг яқин маршрутлар белгиланади.

Сайёҳлар боргандан кейин, табиийки, тураржой ва емакхонага ҳам эҳтиёж сезиши табиий. Шу боис, зиёратгоҳлар ҳудудидаги умумий овқатланиш жойлари ва меҳмонхоналар геолокацияси аниқлаштирилади. Қолаверса, туроператорлар билан биргаликда қулай пакетлар ишлаб чиқилади.

Кўҳна Ховос шаҳри ҳудуди, Юсуф бобо ва Биби Хадича зиёратгоҳлари сингари фанга тўла маълум бўлмаган объектларда археологик изланишлар олиб бориш кўзда тутилган. Тарихий аҳамиятга эга деб баҳоланган тепалик ва ҳудудларда археология, этнология йўналишидаги мутахассислар изланиш олиб боради. Тадқиқотлар натижасида "Ховособод" МФЙ ҳудудидаги 10 гектар майдонда "Очиқ осмон остидаги музей" ташкил этилади.

Зомин қозон патири, тандир гўшти, Жиззах оши, Бахмал олмаси, Гулистон анорини айнан Ховосда сотишни йўлга қўйиш ҳам сайёҳларнинг ҳудудга интилиши ва қизиқишини оширади, деб ўйлаймиз. Туристларни жалб этишда мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва консуллик идоралари ҳамда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ёрдамидан фойдаланиш ҳам зарар қилмайди. Шу боис, уларга туристик объектларнинг янгиланган рўйхатини тақдим қилиш орқали кўзланган муддаога эришиш муддати тезлашади.

Арнасойда ҳам туризмни ривожлантириш бўйича асосли таклифлар мавжуд. Жумладан, туманнинг Наврўз қишлоғи ҳудудига туташ "Айдар-Арнасой кўллар тизими" соҳилбўйи ҳудудидаги 22 минг гектар ерни Фориш туманидаги соҳил ҳудудидан Арнасой тумани ҳам унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўларди. Соҳилбўйигача бўлган йўл таъмирланади. Электр, ичимлик сув тармоқлари ўтказилади. Тиббий хизмат, интернет, Wi-Fi зоналари, савдо ва бошқа инфраструктура объектлари ташкил этилади. 20-25 ўринли хостеллар, 5-6 кишилик ўтовлар, 10 кишилик контейнер уйлар, 100 ўринли "Кемпинг" дам олиш масканлари қурилади.

Соҳилбўйида параплан ва делтапланда учиш, пляж футболи ва волейболи, вейкбординг спорт турларини йўлга қўйиш орқали ҳам сайёҳлар эътиборини тортиш имкони мавжуд. Қолаверса, агротуризм, ов туризми, отда сайр ва экотуризм, табобат туризми, гастрономик туризм, этнотуризм, шопинг туризми ва кўпкари каби ўзига хос йўналишларни ривожлантириш мумкин.

Зомин туманини ярим муболаға, ярим чин қилиб, "Ўзбекистоннинг Швейцарияси", дейишади. Бу бежиз эмас. Ҳудуднинг бебаҳо табиати, мусаффо иқлими, пурвиқор тоғларию кенг адирлари ҳар қандай сайёҳнинг баҳри дилини очиб, кайфиятини кескин кўтаради. Бироқ ҳудудга етиб бориш учун туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт хизматини ривожлантириш зарурати мавжуд. Хусусан, Тошкент — Зомин, Самарқанд — Зомин, Жиззах — Зомин йўналишида сифатли қатновни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини ошириш мумкин. Қолаверса, меҳмонхоналарни "REGIONDO" дастурига киритиш, автомобилни ижарага бериш, қисқа рақамли такси хизмати ташкил этиш каби замонавий чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ҳудуднинг табиий ландшафти экстремал туризмни жорий этиш имконини беради. Мисол учун, ойнали осма кўприк, "тарзанка", мотоспорт кабиларнинг ҳам ўзига яраша шинавандалари бор. Албатта, бу ягона имконият эмас. Туманда агроэтнографик туризм, жумладан, узумчилик, қулупнайчилик, боғдорчилик, қисқаси, қишлоқ хўжалиги туризми билан ҳам сайёҳларнинг эътиборини тортса бўлади.

Шунингдек, Зомин миллий боғи, Бобоёнғоқ, Зомин шаршараси, Минг ёшли арча, Тоғтерак ота, Хўжайи сероб ота, Оқтепа археологик ёдгорлиги, Кўк тўнли ота, Тўрткўлтепа археологик ёдгорлиги, Пешағор қадамжоси, Миқ қалъаси каби кўплаб тарихий қадамжо ва зиёратгоҳлар борки, уларнинг инфраструктурасини ривожлантириб, ҳар қандай таъби нозик туристнинг кўнглига йўл топиш мумкин.

Форишда туризмни ривожлантириш имкониятлари ўзига хос. Аввало, тиббиёт ва зиёрат туризмини йўлга қўйиш учун етарли шароит яратса бўлади. Жумладан, Айдаркўл-Тузкон кўли бўйидаги турбаза негизида "Тузкон" соғломлаштириш санаторийсининг ташкил этилиши шифоталаб меҳмонлар учун яхшигина имконият. Шунингдек, худди Зоминдаги каби бу ерда ҳам экстремал экотуризмни йўлга қўйиш, хусусан, "Осмонсой" МФЙ ҳудудидаги тоғларда саёҳат ва альпинизм туризмини ривожлантириш мумкин.

Тумандаги "Дўстлик", "Ўхум", "Сайёд", "Учқулоч" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида бутун бошли туризм маҳаллаларини барпо этиш орқали кўп сонли аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд. Маҳаллий гидлар кўмагида сайёҳлар ҳудуддаги Хўжа боғбон ота, Ҳазрати эшон халифа ва Ҳазрати Зайнулобиддин қадамжоларини зиёрат қилади. Можрум (Македонский) арчаси, тош қўрғонлари, Сайёд тошбитиклари, Учқулоч туз конини кўриб завқланади. Қолаверса, Марказий Осиёдаги энг биринчи Хонбанди сув тўғони, туманнинг хушманзара, бой флора ва фаунаси туристлар эътиборини тортади. Айниқса, Сафар ота, Ўхум, Можрум қишлоқларидаги ноёб ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кузатиш постлари, Нурота қўриқхонаси хизмати, пикник ҳудуди, спорт тадбирлари, гастрономик туризм, узумчилик, ёввойи зира терими юртдошларимиз учун ҳам, чет элликлар учун ҳам бир умр эсда қоларли таассурот туҳфа этади.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

соҳа ривожида муҳим масала

Туризм бугун жаҳондаги кўплаб давлатларнинг нафақат иқтисодий, балки маданий ва сиёсий фаолиятининг ҳам етакчи тармоқларидан бирига айланди. Масалан, қайсидир мамлакат фуқароси иккинчи бир юртга саёҳат қиладиган бўлса, биринчидан, у саёҳат қилиш орқали мириқиб дам олади, маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиради. Иккинчидан, жисмоний кучини тиклайди ва ривожлантиради. Буни инсон учун фойдали жиҳат деб қарайдиган бўлсак, туризмнинг мамлакат учун ҳам, фуқаролар учун ҳам фойдаси кўплиги аён бўлади.

Аҳмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, профессор

Маълумотларга қараганда, саёҳат ва йўловчи ташиш хизматларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, халқаро туризм жаҳон хизматлар экспортининг 29 фоизини ташкил этади. Бошқача айтганда, туризм экспорт объекти сифатида бугун тўртинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Аксар ривожланаётган давлатларда эса биринчи ўринда.

Ўзбекистонда ҳам барча тармоқлар қаторида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилляпти.

Жорий йилнинг 29 март куни Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳа салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилган вазифалар қўйилди. Бунга сабаблардан бири Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси йиғилиши юртимизда ўтказилиши режалаштирилаётгани билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Соҳа олдида турган қатор муаммолар бартараф этилиб, ижобий кўрсаткичларга эришиляпти.

Масалан, 2022 йилда Қорақалпоғистонга келган чет эллик сайёҳлар сони 2021 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпайди ва 50 минг кишини ташкил этди. 2023 йилда эса 110 мингдан зиёд хорижий сайёҳ келиши кутилмоқда. Ички сайёҳлар сони ўтган йили 2021 йилдагига нисбатан 3 баробар ортиб, 600 минг кишига етди. 2023 йилда бу кўрсаткич 663 минг нафар бўлиши прогноз қилиняпти.

2016 йилда Қорақалпоғистонда бор-йўғи 18 та жойлаштириш ўрни бўлган. Бугунги кунда улар сони 5 баробар ортиб, 94 тага етди. Ҳудудда 28 та меҳмонхона, 43 та оилавий меҳмон уйи, 23 та ҳостел бор. Улардаги ўринлар сони 2 мингтани ташкил этади. Шунингдек, 54 та туроператор ва турагент маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистонда 288 та маданий мерос ва зиёрат объекти рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг 131 таси археологик объект, 24 таси архитектура объекти, 88 таси монументал объект ва 45 таси диққатга сазовор жойлардир. 40 дан зиёд маданий-мерос объекти туризм йўналишларига киритилган.

Минтақада туризмни ривожлантириш ҳамда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида университетимизда 2018-2019 ўқув йилида туризм бакалавр таълим йўналиши очилди. Ҳозирги кунда мазкур таълим йўналишида 178 талаба таҳсил олмоқда. 2022-2023 ўқув йилидан эса магистратура мутахассислиги ҳам ташкил қилинди, унда 6 магистрант ўқимоқда.

Қорақалпоғистонга сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида мунтазам равишда Наврўз, миллий от ўйинлари, "Стихия", "Орол балиқларидан 99 турли таом", "Мўйноқ ва Оролнинг қайта тикланиши", "Мўйноқ ралли" каби тадбирлар ўтказиб келиняпти.

Қорақалпоғистоннинг туризм салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Россиянинг "РОССИЯ 24" ва "РЕН ТВ", Бошқирдистон марказий телеканаллари, Қозоғистоннинг "Хабар 24" телеканали, шу билан бирга, АҚШнинг "The Washington Post" газетаси журналистлари учун пресс-тур ташкил этилиб, ҳужжатли фильм, репортажлар тайёрланди ҳамда мақолалар чоп этилди. Қозоғистоннинг "SCAT" авиакомпанияси "Борт" журнали учун халқимиз маданияти, урф-одатлари ва туристик объектлари ҳақидаги махсус мақолалар тайёрланди.

2022 йил ноябрь ойида Оқтов шаҳрида Қорақалпоғистон ва Қозоғистоннинг туризм соҳасидаги расмий вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида учрашув ташкил этилди.

Жорий йил Германия пойтахти Берлин шаҳрида "ITB BERLIN 2023" халқаро туризм ярмаркасида Қорақалпоғистон делегацияси иштирок этиб, республиканинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилди.

"Aral Dream" халқаро PR дастури доирасида 2022 йил май ойида Францияда ўтказилган 75-Канн халқаро кинофестивали доирасида "Aral Dream" дастури тақдимоти ўтказилди. Қорақалпоғистоннинг туристик салоҳиятини тарғибот қилиш мақсадида Буюк Британия ва АҚШда нашр этиладиган оммабоп "Бред Гайдс" нашри томонидан китоб-қўлланма чоп этиш ишлари олиб борилмоқда.

Талабаларимизнинг назарий ва амалий билимларини бойитиш мақсадида ТДИУ, УрДУ, СамИСИ ва "Буюк ипак йўли" халқаро туризм университети профессорлари ва соҳанинг етакчи мутахассислари ҳамда университетимиз профессор-ўқитувчилари ўртасида тажриба алмашиш йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг икки профессори ва икки доценти туризм йўналишида талабаларимизга дарс бериб келяпти. Шунингдек, талабаларимиз учун шаҳар ва туманлардаги туристик объектларни ўрганиш мақсадида амалий сафарлар ташкил қилиниб, малакавий амалиётлар шу ерда ўтказилмоқда.

2021-2022 ўқув йилида биринчи битирувчиларимиз ўқишни тамомлади. Ҳозир уларнинг 65 фоизи ўз соҳаси бўйича ишлаяпти. 9 таси эса хусусий бизнесни юритиш мақсадида турфирмалар ташкил қилган. Битирувчиларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Туризм ва маданий мерос вазирлигига ҳамда унга қарашли ташкилотларга ишга жойлашди.

Талабаларимизга туризм маркетинги, туризм ва маданий мерос, саёҳат агентликлари ишлари ва менежмент, гастрономия, туризмда тадбиркорлик, ресторан иши, туроперейтинг, мижозларга хизмат кўрсатиш технологияси фанлари ўқитилади.

Қорақалпоғистонда инвестиция дастурлари ва қўшимча инвестиция лойиҳалари доирасида 2022

йили туризм ва унга ёндош хизмат кўрсатиш тармоқларида 60 та лойиҳа ишга туширилди ва 111 миллиард 169 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

Оролбўйи муаммолари, уларни бартараф этиш ва ҳудудда сайёҳликни ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар билан жаҳон ҳамжамиятини яқиндан таништириш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар грантлари ва инвесторлар маблағларини ҳудудга жалб этиш бўйича туризм стратегиясини ишлаб чиқиш, тарғибот материаллари тайёрлаш ва тур-компанияларнинг халқаро туризм ярмаркаларида иштирокини таъминлаш мақсадида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти — GIZ томонидан 300 минг евро грант ажратилди.

Талабаларнинг амалий билимини бойитиш учун олий ўқув юртимизда "GIZ UZBEKISTAN" ташкилоти томонидан симуляцион меҳмонхона лойиҳаси амалга оширилган. Жорий йил апрель ойидан бошлаб университетимиз иқтисодиёт факультети ҳудудида GIZ билан биргаликда туризм йўналишида таълим олаётган талаба ёшларнинг назарий билим ва кўникмаларини амалиётда янада мустаҳкамлаш мақсадида туризм лабораторияси иш бошлади.

Таълим жараёнини ўқув адабиётлари билан таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Университетимиз Ахборот-ресурс марказига 2022 йилда ТДИУ олимлари томонидан тайёрланган, туризм соҳасига тегишли 30 номдаги, GIZ томонидан эса 60 номдаги 300 дан ортиқ китоб таълим йўналиши талабалари учун совға қилинди.

Туризмни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрлаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Университетимиз ҳам бу вазифалар ижросига баҳоли қудрат ҳисса қўшишда давом этади.

БУГУННИНГ ГАПИ

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЧОРЛАГАН БОЛАЛИК “ИНЪОМЛАРИ”

ёхуд янги қонун воқеага айланиши учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилайлик!

Хушхабарнинг қаноти бўлади, дейишади.
— Болалар мажбурий меҳнатдан бутунлай озод бўлибди!
— Энди эшитдингизми, бунга анча бўлган-ку...
— Йўқ, биламан, энди Конституциямиз билан кафолатланган-да, шунинг учун оғзимизни тўлдириб айтяпмиз-да, қонуннинг йўриғи бошқача-да...

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Шу кунларда оддий одамлар даврасида ҳам шундай гап-сўзлар айланиб юрибди. Албатта, ўзимиз учун ёқимли бўлган янгиликлар у қадар янгилик бўлмай қолса-да, ҳар эшитганимизда суюнаверамиз. “Энди ўғил-қизларимиз вақтини кўпроқ билим олиш, ҳунар ўрганиш, саломатлигини мустаҳкамлашга сарфлайди” тарзидаги орзуларга бериламиз.

— Меҳнат қилишса ёмонмиди? Меҳнатга қўрқмай ёпишганлар ҳозир қаерга боришса ҳам ўз нонини топиб еб юришибди-ку.

Шунча қувончларнинг орасида бундай гаплар ҳам қулоғимизга эшитилиб қолганда мажбурий меҳнат болаларимизни нимага ўргатгани ҳақида чуқурроқ ўйлай бошлайман.

Келинг, айтадиганларим ишончли бўлиши учун мисолни ўзимдан бошлай қолай. Биз қатнайдиган боғчанинг ҳовлиси пахтазорга туташ эди. Беш ёки олти ёшли болалармиз. Сафаргул опа исмли боғча опамиз бўларди. “Чоппи эна”, деб чақирардик.

— Ким дўпписини пахтага тўлдириб чиқса, нонга асал суртиб бераман, — деб қизиқтирарди бизни Чоппи энамиз. Ойгул исмли ўртоғим билан оппоқ, юмшоқ пахталарни дўппимизга босиб-босиб соламиз. Шунда Абдурайим исмли боғчадошимиз:

— Жиннивойлар, бунақада дўппиларинг қачон тўлади? Мана бундай қилмайсизларми? — дея дўпписининг остидан битта уради, ўртаси тепага кўтарилиб, шишиб чиққан дўппининг атрофига бир неча сиқим пахтани қўйиб дарров тўлдиради-да, эгат бошига қараб чопади. Чоппи энамиз Абдурайимни мақтай-мақтай асалли нонни қўлига тутқазади. Биз ҳам дарров унинг қилганини такрорлаймиз ва асалли нонга эришамиз. Бу бизга мажбурий меҳнатнинг биринчи “инъоми” эди, десак ишонаверинг. Чунки бу хилдаги кўзбўямачиликлар кейинги даврларда — ўсмирлигимизда ҳам давом этди. Ўқитувчимиз:

— Уйга вазифани бажардингми? — дейишдан ҳам кўра кўпроқ:

— Белгиланган нормани бажардингми? Неча кило бўлди? Эртага линейкада ҳамманинг олдида шарманда бўлмай десанг, ҳаракатингни қил, — деб бошимизда қўлларини ўйнатиб тургач, нима қилардик? Ўят бўлса-да, бугун айтамиз, пахтамиз оғир бўлсин деб этак ўртасига юмалоқланиб солинган ўрамни ҳўллаганмиз ҳам, чала терилган кўсак (подбор) терганимизда “тузладик” дея тупроқ ҳам сепганмиз. Мана, сизга кейинчалик “қўшиб ёзиш” деган фалокатларга бемалол олиб келган пиллапоялар...

Айниқса, қишлоқларда йилнинг уч фаслида мажбурий меҳнат бўлгач, ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам мактабга омонат борардик. Ҳафсаласиз кийинишлар... Қайси жиҳатдан олиб қарасак ҳам мажбурий меҳнатда яхшиликка туташ жиҳатларни кўриш қийин. Дала ишлари қизиган лаҳзаларда, пахта териш, пилла мавсумларида мактабларимизда расм, ашула, жисмоний тарбия, меҳнат таълими дарслари бўлмасди. Санъат, спорт, ҳунармандлик кеча ҳам бор эди. Лекин нега бугун болалар орасидан чемпионлар, санъаткорлар, ҳунармандлар яккам-дуккам эмас, қаторлашиб чиқяпти? Бунинг сабабини ҳам кеча отда адл ўтирган, бугун талвасада жон бераётган мажбурий меҳнатдан излаш керакмасмикин?

Фақат бугина эмас, ўғлонларимиз ҳарбий хизмат ёшига етганларида ёппасига қурилиш батальонларига йўллангани, танк, артиллерия, денгиз флоти каби ҳарбий қисмлар ўғлонларимиз учун армон бўлгани замирида ҳам ўз вақтида ўтилмаган, дала меҳнати, ер меҳнатига “ем бўлган” жисмоний тарбия дарслари турмадимикин? “Н.Крупская номидаги мактаб” деган жарангдор оти бўлган билим масканимиз ҳовлисида нари-бериси тўрт-беш метр келадиган стадионимиз бор эди. Бир чеккасида икки ёғочга қоқилган, 10 та синфнинг болалари галма-галдан тўп тепаверганидан тешилиб кетган тўр, яна бир чеккасида баҳору куз ёмғирларида ювилавериб қорайиб ётган арқон билтанглаб турарди. Аммо озиб-ёзиб бир физкультура дарси бўлиб қолса, энг эпчил болаларимиз ҳам машқ қилмагани учун ўша арқонга ҳар қанча тирмашмасин бир метрдан юқорига кўтарила олмасди. Ўн йил давомида эмас, ҳатто мактабни битирганимизда ҳам:

— Янги қурилаётган мактаб учун ҳар биринг беш юзтадан ғишт қуясиз, бўлмаса етуклик аттестатини бермаймиз, — деган синф раҳбаримиз.

Ана ўшанда институтларга шошилиб турган синфдошларимизнинг питиллашини кўрсангиз. Ака-укалар, ҳатто хола-аммаларни ҳам ёрдамга чақирганмиз. “Ўн бешта бўлди, йигирмата...”, дея ҳансираб-ҳансираб ғишт қуйганмиз, ҳаммамизнинг бошдан оёғимиз жиққа тер... Таъмирга, мактаб қурилишига маблағ ажратилмагач, ўқитувчиларимиз ҳам шундай шарт қўйишга мажбур бўлишган-да. Ўйлайманки, империяга қарам бўлган барча ҳудудларда, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида аҳвол биздагидан яхшироқ бўлган, деб айта олмайман.

Мана, энди бу дилхираликлардан халос бўлдик. Хўш, энди чуқур билим олиш учун, саломатлигимизни мустаҳкамлаш, ҳунар ўрганиш, қизилроқ қилиб айтсак, бахтли келажагимиз учун қонун билан кафолатлаб берилган қимматбаҳо вақтни қандай тасарруф қиляпмиз?

Президент мактаблари, ихтисослашган мактаб, ижод мактаблари, спорт, санъат мактабларида ўқиётган болаларнинг вақтлари ўзига ҳам, юртимизга ҳам шараф келтираётган воқеликларга айланаётгани қанчалар қувончли! Улар иштирокида ўтаётган халқаро олимпиадаларнинг юксак натижалари, халқаро танловлар, мусобақаларнинг самарали якунлари, юртимиз шарафига майдонларда кўтарилаётган байроғимиз, жаранг сочаётган мадҳиямиз эндиликда барчамизга фахр бағишламоқда. Нима учун “халқаро” деган сўзни таъкидлаб айтяпман? Чунки ўзимизники ўзимизга ой кўриниб, баъзи ҳолларда болалар истеъдодига ҳаққоний баҳо бера олмаслигимиз мумкин. Халқаро майдонда эса қурбу қудратимиз аниқ кўринади.

Ҳафтанинг қайсидир кунларида эмас, ҳар соат, ҳар кунда болаларнинг ютуқлари билан фахрланишни истайверар экансан. Айнан шунинг учун танланган мактабларда эмас, барча шаҳару қишлоқларимиз мактабларидаги ўқувчиларнинг ёппасига юксалишини, бир бош бўлса-да, ўзидан баланд кўтарилишини орзулаб қолар экансан. Албатта, бу борада ҳам ҳаракатлар бор. Маҳаллаларда турли тўгараклар ишлаяпти. Болаларимизнинг истеъдодини юзага чиқариш учун турфа йўналишларда дарсдан ташқари муассасалар очилган. Бироқ уларда тўлов бор. Биз уларга “Болаларга бепул қил”, деб ҳам айта олмаймиз. Чунки тадбиркорларнинг ҳам тирикчилиги бор, кимларгадир маош беради. Фақат бошқа бир гапни айта олишимиз мумкин. Худога шукр, яшаш тарзимиз яхшиланяпти. Қайси бир ўзига тўқ юртдошимиз ҳануз дабдаба орқасидан қувиб юрибди: топган-тутганини маҳобатли ҳовли, бири-биридан қимматбаҳо машиналар, доврўқли тўйларга сарфлаяпти. Яна кимдир сайру саёҳатга... Орамизда бир эмас, икки марта эмас, беш, етти марталаб Умра зиёратига бориб келаётганлар бор. Пулни ақлли калла топади. Топгандан сўнг ҳузурини ҳам кўргиси келади. Аммо бутун бошли миллат болаларининг юксалиши орқасидан келадиган ҳузур қўламини бор эни, бўйи билан тасаввур қилсак, юқорида санаганимиз — ҳузур деб юрганларимиз кичрайиб кетмасмикин... Бизнингча, кичраяди. Истагимиз: шундай кунлар келса... Бир пайтлар — ҳозиргига қараганда бир неча бор юпун яшаган даврларимизда Германияга ўқиш учун жўнатилган йигит-қизларга (гарчи бу сафар фожиали тугаган бўлса-да) юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват одамлари ҳомийлик қилишган. Бугунимизга ҳам бу анъана бегона эмас. Аммо биз ёппасига юксалиш ҳақида сўзлаяпмиз, демак, ҳомийлик ҳам ёппасига бўлса, орзуларимиз ижобатига яқинлашиб борамиз.

Сафарларда юрганимизда ўқитувчилар билан суҳбатлашганман.

— Ота-оналаримизда фарзандларини илмли, касб-корли қилишга интилиш кучли. Лекин аксариятида, айниқса, оддий ҳаёт тарзига эга аҳолимизда “Қўлимиз калта, биздан ортиб болаларимиз қаерга борарди”, деган кайфият ҳам йўқ эмас. Шундай кайфиятдаги оилаларнинг фарзандлари хонадон катталари ишлаётган фермер хўжаликларида, бошқа хизмат жойларида ишлашади. Айниқса, пилла мавсуми, йиғим-терим мавсумларида мактабга қатнаш давомати ёмонлашади. Давлат фарзандларимизни мажбурий меҳнатдан озод қилса-да, ота-оналарнинг ўзи уларни қийин меҳнатга қолдиряпти....

Бу айтилаётганлар ҳам ёппасига юксалишга халақит бераётган бир тўсиқ, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Аммо имконияти кенгроқ бир маҳалладоши келиб:

— Сен қуёшда қорайиб, тупроқ титиб юрсанг, ўғлинг (қизинг) ҳам шундай ҳаётда яшаши шартми? Замон ўзгаряпти, Президентимиз айтмоқчи, эртага подачи ҳам ўқиши керак бўлади. Эртага деҳқонга ҳам билим керак бўлади. Болани қўйвор, тўгаракка борсин, машқ майдонига борсин! Нарёғини ўйлама, биз турибмиз-ку, деса, қайси ота-онанинг орқасига тоғ келгандай бўлмайди? Кўзлари қувонч ёшига тўлмайдими?..

Сизга айтсам, миллат болаларининг юксалиши, истеъдоди мингдан миллионга айланиши мана шундай бош ҳарфли ҳимматлардан, бош ҳарфли саховатлардан бошланади. Кўзларинг йўлларга термилиб турганда эшик, дарвозангни тақиллатиб тугун-терсакда саховат кириб келгани бир қувонч бўлса, қоракўзинг ўзини спорт майдонида мушаклари тирсиллаб машқ қилаётган тенгдоши олдида кўнглида камлик сезиб ўксиниб турган дақиқада кимдир ўша майдонга қўлидан етаклаб олиб кетса... Эҳ-ҳе, буни орзу қилишнинг ўзи одамни қанчалар улканлаштириб юборади, рўёбига етсанг ўзингни еттинчи осмонларда ҳис қилсанг керак.

Модомики асосий мавзумиз ўғил-қизларимизнинг истеъдодини юзага чиқариш ҳақида бораётган экан, бир нозик жиҳатни ҳам ўрни келганида айтгим келяпти. Бир телеканалдаги эрталабки дастурда ҳамиша бир неча дақиқа санъат йўналишига, хусусан, қизалоқлар рақсига бағишланади. Албатта, қизалоқларнинг ёшига мос рақслар ҳам бор. Лекин улар орасида ўзимизнинг эстрада хонандалари ижро этган “ўлдим-куйдим” ашулаларга ҳам рақс тушади. Масалан, яқинда бир болалар дастасининг қизалоқлари, адашмасам, “Минг бир кеча” эртагидаги Шаҳризода либосида муҳаббат ҳақидаги бир қўшиққа ўйнади. Қўшиқ сўзларига мос ҳаракатларни гапирмай қўя қолай, эндигина расида ёшга кириб келаётган қизалоқларнинг беллари очиқ. Ёки яна бир телеканалда юлдузларга тақлидан кетаётган ўсмирлар кўрсатувини олайлик. Ҳозирги замон тилида айтсак, бу кўрсатувга тайёргарлик санъатсевар ёшларимизга мотивация бериши шубҳасиз. Лекин катталар ижро қилган қўшиқларни такрорлаб, худди улардек кийиниб, улардек қиёфа билан қўшиқ ижро этиши уларни вақтидан олдин улғайтириб қўймасмикин? Муҳаббат можаролари вақтидан олдин бошланиб кетиб, ўсмирларнинг фикрини чалғитмасмикин? Мен ёшларнинг бурканиб юриши тарафдори эмасман. Табиий қувноқлиги, самимиятини яхши кўраман. Лекин миллатимиз учун қадрли бўлган ҳиссиётлардан узоқлашиб кетишларини ҳам мутлақо хоҳламайман. Чунки жаҳон майдонига қайси миллат ярқираб чиқса, ўзига ўхшаб, ўз қадриятларини қадрлаб чиқади. Бировнинг кўйлаги билан ҳозиргача одам боласи обрў топганмас. Умумий юксалиш ҳақида ўйлаганимизда ана шу ҳақиқатни ҳам ёдда тутганимиз яхши. Бир фикр иккинчисини эргаштириб келади.

Хаёлим ўқувчилардан муаллимларга кўчади. Ахир, улар ҳам мажбурий меҳнатдан озод қилинди-ку. Ахир, энди уларнинг ҳам бўш вақтлари устозлик мақомини мустаҳкамлашга сарфланади-ку. Аммо яқинда бир ғалати воқеа гувоҳи бўлдим. Ўқитувчилар “Ташаббусли бюджет” пулига эришиш учун бозордаги одамларга кир ювиш кукунини тарқатиб, имзо йиғиб юришибди. Олти-етти минг имзо тўплаган мактабга таъмир учун бюджетдан муайян миқдорда маблағ ажратилар экан. Ижтимоий тармоқлар орқали кўплаб юртдошларимиз айни жараён билан боғлиқ эътирозларини билдирганида Сенат ахборот хизмати “Ташаббусли бюджет”га овоз йиғиш учун ходимлар мажбурий жалб қилинаётгани ҳолати жиддий ўрганила бошланганини маълум қилди.

Фақат бу жисмоний меҳнат эмас, руҳий заҳматдир. Агар нимадир эвазига мактаб таъмири учун пул ажратилиши шарт бўлса ёки бу тадбирдан мактаб билан ота-оналарни, аҳолини яқинлаштириш назарда тутилган бўлса, бошқачароқ йўл ўйлаб топиш керакмикин? Дейлик, “Фарзандлари уч баҳосиз маҳалла” ёки “Аълочи ўқувчилар маҳалласи учун” каби шиорлар ўртага ташланса-да, маҳалла билан мактаб биргалашиб ана шу шиорлар амалиёти учун кураш бошланса, бу ташаббусни кўплаб умумтаълим масканлари қўллаб-қувватласа ажаб эмас. Ана шу жараёнда самарага эришган мактабга таъмир учун бюджетдан маблағ ажратилса, яхши бўларди. Ўқитувчилар қоғоз-қалам кўтариб бозорма-бозор, бекатма-бекат юришидан кўра фойдалироқ бўларми-ди?

Сезиб турганимиздай, ўқитувчию ўқувчиларимизнинг мажбурий меҳнатдан халос этилгани ҳали биз йўл олган манзилнинг ўртаси экан. Бу тарафда — олдинда сизу биз қиладиган вазифаю бурчлар талайгина. Лекин бутун бир миллат юксалиш учун бир вақтда бел боғласа, яхшиси бундайроғини ўзига эргаштирса, кучлиси заифига келган бўронга елка тутса, Эльбрус чўққиси каби юксакда турган орзу бўлса-да, унга етишиш қийин бўлмайди. Бу — менинг фикрларим. Балки зикр қилинган қонуннинг воқеага айланиши учун бошқаларда бундан ҳам яхшироқ фикр бордир...

ЎзА суратлари.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
11117 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:35 Топширилди — 23:35

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05